

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2024 йил
24 май,
жума
№ 26
(1008)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

СПОРТ СОҲАСИДАГИ РЕЖАЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга спорт таълимини ривожлантириш ва халқаро мусобақаларни ўтказиш режалари бўйича ахборот берилди.

Мамлакатимизда спорт инфратузилмаси ривожлантирилиб, халқаро талаблар даражасидаги шарт-шароитлар яратилмоқда. Шунга асосланиб, FIFA қарори билан футбол бўйича бу йилги жаҳон чемпионати юртимизда ўтказилиши белгиланган. Мусобақа 14 сентябрь – 6 октябрь кунлари Тошкент, Андижон ва Бухоро шаҳарларида ташкил этилади. Унда дунёнинг энг кучли 24 жамоаси қатна-

шади. Иштирокчи мамлакатлардан нуфузли меҳмонлар, 30 мингдан зиёд мухлислар келиши кутилмоқда.

Мутасаддилар бу борада кўрилаётган тайёргарлик ишлари, спорт ва маданий тадбирлар режалари юзасидан ахборот берди. Чемпионатни юқори савияда ўтказиш учун Бош вазир раҳбарлигида ташкилий кўмита тузилиши белгиланди.

(Давоми 2-бетда) ▶

ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДАГИ НАТИЖАЛАР ВА ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 май кун фармацевтика тармоғида эришилаётган натижалар ва истиқболли режаларга оид тақдимот билан танишди.

Иқтисодиёт ва аҳоли саломатлигида муҳим ўрин тутадиган бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, зарур ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратиб берилмоқда. Биргина жорий йил бошида шу борада иккита ҳужжат қабул қилинди. Хусусан, 10 январдаги Президент қарорига мувофиқ, 2024-2025 йилларда фармацевтика тармоғини ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди. 23 январда қабул қилинган фармонда фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Соҳадаги янги лойиҳалар учун 100 миллион доллар арзон ресурс ажратилди. Бундан ташқари, "Аса-

ка банк" томонидан 200 миллион доллар жалб қилинди.

Бу имкониятлар натижасида ўтган 4 ойда 30,5 миллион долларлик иккита лойиҳа ишга туширилиб, 160 та иш ўрни яратилган. 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 51 миллион долларлик экспорт қилинган.

Лекин, бу натижалар ҳали етарли эмас. Имкониятлар ҳам, режалар ҳам улкан.

Хусусан, бу йил 400 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш, экспортни 200 миллион долларга етказиш режалаштирилган. 2 миллиард долларлик 147 та лойиҳа бошланиб, шундан 28 таси жорий йилда ишга туширилиши белгиланган. 450 турдаги янги маҳсулотни маҳаллийлаштириш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари бу имкониятлардан фойдаланиб, маҳаллий маҳсулотлар билан ички бозор

талабини қондириш даражасини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Ишлаб чиқаришни халқаро стандартларга ўтказиш, нарх ва сифат мутаносиблигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда соҳада рақамлаштиришни бу йил 65 фоизга етказиш, кейинги йил эса тўлиқ яқунлаш вазифаси қўйилди. Бу орқали нархни камида 20 фоизга арзонлаштириш мумкинлиги қайд этилди. Соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

"Tashkent Pharma Park" инновацион фармацевтика кластери фаолиятини жадаллаштириб, 470 миллион долларлик 12 та лойиҳани ишга тушириш чоралари кўриб чиқилди.

Фармацевтика соҳасига инвесторларни жалб қилиб, янги лойиҳаларни кўпайтириш бўйича ҳам ахборот берилди.

ЎЗА

Мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида тизимли ҳамда кенг кўламли янгиланишлар қатъият билан амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

● **Моҳият**

ЯНГИ ҚОНУН

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини ўз вақтида, сўзсиз таъминлашга қаратилган



Айни соҳага доир бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Президент Фармони ва қарори билан Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолияти йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 77-моддасига кўра, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдир. Бинобарин, фарзанд тарбияси ҳар бир ота-она, қолаверса, жамият зиммасидаги ўта шарафли ва айни пайтда масъулиятли вазифалардан бири саналади.

● **Ҳуқуқий маърифат**

Алиментни олдиндан тўлаш ЁКИ ГАРОВ ТАҚДИМ ЭТИШ

хорижга чиқишни вақтинча чеклашни бекор қилиш усуллари

Аммо ҳаётда ўз фарзандини тарбиялаш ва таъминлашдан бош тортадиган ота-оналар ҳам учраб туради. Ҳолбуки, вояга етмаган фарзанд қачон имкони бўлса, отам ёки онам алимент тўласа, кейин еб-ичаман, деб кутиб туролмайди. Шу сабабли ўз вақтида моддий таъминлаш боланинг

соғлом вояга етишида муҳим омил ҳисобланади. Амалдаги Оила кодексига мувофиқ вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота ёки онадан алимент суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғига асосан ундирилади.

(Давоми 3-бетда) ▶

● **Оқлов**

БИРОВГА ТўНҚАЛГАН ҚАМОМАН

судда фуқаронинг айбисизлиги ўз исботини топди

Шу йил февраль ойида биринчи босқич суди тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 209-моддаси 2-қисми "а" банди билан айбланган Зикрият Озодовни Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан далил-исботлар етарли бўлмагани сабабли жазо ва жавобгарликдан озод қилди. Бироқ З.Озодовнинг айби фақат шунинг ўзидан иборат эмасди.



(Давоми 2-бетда) ▶

ИШОНЧ, ДЎСТЛИК ҲАМДА МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг ўн тўққизинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси раислигида ўтган нуфузли анжуманда Ҳиндистон Республикаси Олий суди раиси Дхананджая Йешвант Чандрачуд, Эрон Ислом Республикаси Суд ҳокимияти раисининг ўринбосари Козим Ғарибободий, Қозоғистон Республикаси Олий суди раиси Асламбек Мерғалиев, Хитой Халқ Республикаси Олий халқ суди раиси Чжан Цзюнь, Қирғизистон Республикаси Олий суди раиси Замирбек Базарбеков, Покистон Ислом Республикаси Олий суди раиси Кази Фаёз Исо, Россия Федерацияси Олий суди раиси Ирина Подносова, Тожикистон Республикаси Олий суди раиси Шермухаммад Шоҳиён иштирок этди.

Шунингдек, йиғилишда ШХТ ҳузуридаги қузатувчи мамлакат вакили – Беларусь Республикаси Олий суди раиси Валентин Сукало ва меҳмонлар – ШХТ бош котиби ўринбосари Нуран Ниязалиев ва ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия кўмитаси директори Руслан Мирзаев қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бахтиёр Исломов бошқариб борган тадбир бошланишидан олдин иштирокчилар авиаҳалокат туфайли вафот этган Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раи-



сий ва бошқа расмий шахсларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириб, сукут сақлади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг йиғилиш иштирокчиларига йўллаган мурожаатини Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича

маслаҳатчиси Дониёр Қодиров ўқиб эшиттирди.

Тадбирда ШХТ умумий манфаатларни ҳимоя қилишнинг самарали тизими экани алоҳида қайд этилди. Яхши қўшничилик ва дўстликни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда бу нуфузли тузилма муҳим роль ўйнамоқда.

ШХТ ташкил этилганидан буён унга


аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва тушуниш, юқори даражадаги ишонч ва биргаликда қарорлар қабул қилиш руҳи шаклланди.

Олий суд органлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик умумий мақсадга эришиш, яъни ШХТ маконида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

● **Суд амалиёти**

БИТИМНИНГ ҳуқуқий оқибатлари



бурч ва масъулиятни талаб этади

Мамлакатимизда барча соҳаларда қатъият билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, хусусий мулк дахлсизлиги ва шартнома тузиш эркинлиги қафолатлари турли кўринишдаги ҳуқуқий муносабатларни янада кенгайтирмоқда.

(Давоми 4-бетда) ▶

Транспорт воситасини бошқараётган ҳар бир ҳайдовчи ҳушёрлик ва масъулиятни ҳеч қачон унутмаслиги керак. Чунки у нафақат ўзи, балки бошқаларнинг хавфсизлигини таъминлашга ҳам масъулдир. Ҳолбуки, ҳайдовчининг бил-билмай йўл қўйган биргина хатоси туфайли ўзи ва бошқа беғуноҳ инсонлар ҳам умрбод ногирон бўлиб қолиши ёки ҳаётдан бевақт кўз юмиши ҳеч гап эмас.

✓ **Менда таклиф бор...**

Жазонинг мувофиқлиги ва адолатлилиги

Айниқса, автомашинани маст ҳолда бошқариш ана шундай кутилмаган фожиали оқибатларни келтириб чиқаради. Спиртли ичимлик таъсирида маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар фуқаролар соғлиги ва жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи жиддий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

ҳуқуқбузарни қайта тарбиялаш ва жиноятнинг камайишида муҳим ўрин тутади



(Давоми 3-бетда) ▶

ИШОНЧ, ДЎСТЛИК ҲАМДА МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон раислиги даврида одил судлов самардорлигини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ислохотларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ҳуқуқни қўллаш, қонунчиликни такомиллаштириш ва судлар фаолиятига доир бошқа муҳим масалалар юзасидан фаол равишда маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилди. Бу жараён ташрифлар, шунингдек, кўп томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишларини қамраб олган 40 дан ортиқ йирик тадбирларда иштирок этиш орқали амалга оширилди.

Йиғилишда ШХТга аъзо давлатлар Олий судларининг қонун устуворлиги, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний



манфаатларини таъминлаш борасидаги ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга қаратилган қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Миллат ва чегара билмас иллат саналадиган одам савдосига қарши курашиш доимий равишда дунё ҳамжамияти, шу жумладан, ШХТ давлатлари учун долзарб муаммо эканлиги инobatта олиниб, одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини кўриб чиқиш амалиёти муҳокама қилинди. Бу борада тизимли равишда ўзаро тажриба алмашинуви аҳамиятли экани алоҳида қайд этилди.

Фуқаролик судлови соҳасида медиация институтидан кенг фойдаланиш бўйича чоралар қабул қилиш масаласи атрофида муҳокама этилди. Шу билан бирга, низони ҳал этиш ва унинг тарафлари учун ўзаро маъқул келувчи қарор қабул қилишга эришишнинг асосий механизмларидан бири бўлган медиацияни янада чуқур ўрганиш ва унинг моҳиятини англаш умумманфаатли экани эътироф этилди.

Иштирокчилар мулк ҳуқуқи ҳимояси ва хусусий мулк дахлсизлигини одил судлов воситасида таъминлаш чораларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш масаласига эътибор қаратди.

Давлат органлари билан ўзаро муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлаш ҳамда унинг қафолатларини қучайтириш борасида катта аҳамият касб этувчи маъмурий одил судловни шакллантириш ва ривожлантириш истиқболлари га тўхталиб ўтилди.

навий технологияларни қўллаш орқали одил судловни рақамлаштириш истиқболлари масаласи ҳам мажлис кун тартибидан ўрин олди. Одил судловни амалга оширишда ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича тажриба алмашиш зарурлиги таъкидланди.

Мажлис иштирокчилари яқдиллик билан қайд этганидек, Олий судлар раисларининг кенг кўламли масалалар бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари халқро майдонда ШХТнинг обрўсини ва глобал мавқеини янада оширишга хизмат қилади.

Зотан, дунё аҳолисининг ярмидан кўпини бирлаштирган ШХТнинг минтақавий ва глобал сиёсатни шакллантиришнинг механизми сифа-

тида Евроосиё қитъасининг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашдаги ўрни мустаҳкамланиб бормоқда.

Томонлар ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ишонч, дўстлик ва яқин қўшничилик, ўзаро англашув, ШХТ Хартияси, ШХТга аъзо давлатларнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома ҳамда ШХТни 2025 йилгача ривожлантириш Стратегиясига мувофиқ минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш тамойиллари асосида амалга ошириладигани таъкидланди.

ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик фуқаролар ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги биргаликдаги фаолиятни янада такомиллаштириш, адолат, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, суд-ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштириш учун муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

Йиғилиш якуни бўйича ШХТга аъзо давлатлар суд ҳокимиятининг олий органлари ҳамкорлиги истиқболлари тўғрисида Қўшма баёнот имзоланди.

Яқиний ҳужжатда кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳамда ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг 20-йиғилишини 2025 йилда Хитой Халқ Республикасида ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

СПОРТ СОҲАСИДАГИ РЕЖАЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, пойтахтимизнинг Яшнобод туманида Олимпия шаҳарчаси барпо этилмоқда. Келгуси йил у ерда ёшлар ўртасида ёзги Осиё ўйинлари ўтказилади.

Кейинчалик ундан самарали фойдаланиш мақсадида Олимпия шаҳарчасида Ўзбекистон давлат спорт академияси ташкил қилиниши кўзда тутилган. Ушбу муассаса тузурига Жисмоний тарбия ва спорт илмий-тадқиқот институти ҳамда Мутахассислар ма-

лакасини ошириш институти ҳам ўтказилади. Академия тизимида Спорт тиббиёти илмий-амалий маркази, Ахборот кутубхона маркази, Ўзбекистон тарихи ва хорижий тилларни ўқитиш маркази очилади.

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб, академияга 3 та бакалавр йўналиши ва 6 та магистратура мутахассислиги бўйича қабул бошланади. Битирувчи талабаларга 6 йиллик тренерлик малаика сертификати берилади. Олимпия ва паралимпия

коллежларидан селекция қилинган битирувчилар тўғридан-тўғри иккинчи курсга қабул қилинади.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга кафедра ва ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Спорт таълимидаги яна бир аниқлик Кураш маҳорат мактаблари бўлади.

Кураш минг йиллик қадриятимиз ва миллий

спортимиз. Дунёда у билан 30 миллион, Ўзбекистонда 30 минг киши профессионал шуғулланмоқда. Ҳаваскор ёшлар бундан ҳам кўп.

Шунинг учун ҳар бир вилоят марказида Кураш маҳорат мактаблари ташкил этилиши режалаштирилган. Маҳорат мактабида 140 нафар ўқувчи бўлади, улар 5-11-синф болалари орасидан танлаб олинади.

Тақдимотда Париж олимпиадасига кўрилаётган тайёргарлик бўйича ҳам ҳисобот берилди.

Терма жамоаларимиз ушбу нуфузли мусобақага юқори даражада ҳозирлик кўрмоқда, чет элларда мақсадли ўқув-машғулотлари ўтказилмоқда. Спортчиларимиз футбол, сувга сакраш, камондан ўқ отиш, аёллар ўртасида эркин кураш бўйича илк бор олимпиадага йўлланма олгани аҳамиятли. Олдинда яна йўлланмаларни қўлга киритиш, Олимпия ўйинларида муносиб қатнашиш мақсад қилинган.

ЎЗА

• Моҳият

ЯНГИ ҚОНУН суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини ўз вақтида, сўзсиз таъминлашга қаратилган

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Суд ҳужжатларини ижро этиш соҳасида шакланган тажриба ва амалиётлар мунтазам таҳлил қилинмоқда. Шу асосда соҳада тизимли ислохотлар ўтказилмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг эллик иккинчи ялли мажлисида маъқулланган **“Ижро ишини юритиш янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”**ги қонун ҳам шу ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Бу ҳақда сўз борганда, аввало, мамлакатимизда ёқилғи-энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлаш лозим. Аммо шунга қарамадан, таҳлиллар соҳада давлат назоратини таъминлашда айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”**ги қонуннинг 83-моддасида Мажбурий ижро бюроси органларига тақдим этилаётганда ижро ҳужжатларига истеъмол қилинган энергия ресурслари ва ичимлик суви учун мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги ариза ваколатли органга ёки мансабдор шахсга берилганига қадар қарздор юридик шахс энергия ресурслари тармоқлари ва сув таъминотидан узилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши

белгиланган.

Бироқ жисмоний шахсларга нисбатан бундай қоида белгиланмаган. Бу эса, қарздор жисмоний шахслар томонидан қарздорлик ўз вақтида бар-тароф этилмастлигига, бунинг оқибатида давлат ижрочилари томонидан мажбурий тўловларни қўриқчи вақт, куч ва воситалар сарфланишига олиб келмоқда.

Маълумотларга кўра, қонунчиликдаги бу бўшлиқлар туфайли жорий йилнинг ўтган даврида 7 минг 713 нафар истеъмолчи жисмоний шахсни тармоқдан узиш чоралари кўрилмаган.

Бундан ташқари Бюро фаолиятининг ўтган давр мобайнидаги амалиёти таҳлилдан келиб чиқиб, бекор қилинган ёки тугатилган ижро ишини умумий тартибга ўтказмасдан бир йўла соддалаштирилган тар-

тибда ижро ҳужжатини берган органи хабардор қилиш орқали тугатиш механизмини жорий қилиш зарурати юзага келган.

Шу нуқтаи назардан, сенаторлар маъқуллаган ушбу қонун билан **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”**ги қонунга ҳамда Фуқаролик процессуал кодексига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Биринчидан, истеъмол қилинган энергия ресурслари учун мажбурий тўловларни ундириш тўғрисида талаблар билдирилганда, суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризага:

– истеъмолчи билан тузилган шартнома;

– пеня ҳисобланиши тўғрисидаги ва истеъмолчинини тегишли энергия ресурслари тармоқларидан узиш ҳақидаги огоҳлантириш кўрсатилган, қарзни тўлаш тўғрисидаги талаб

ҳамда унинг истеъмолчига юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

– истеъмолчинини тегишли энергия ресурслари тармоқларидан узилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхалари берилиши билан боғлиқ норма киритилмоқда.

Иккинчидан, ижро иши юритилишида соддалаштирилган тартибди такомиллаштирилиб, қарздор жисмоний шахслардан почта харажатлари учун мажбурий тўловларни ундириш суд ҳужжатларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши белгиланмоқда.

Учинчидан, ижро ҳужжати бўйича ижро ишини соддалаштирилган тартибда юритишда ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа органининг ҳужжати бекор қилинган ё қонунга кўра, бекор қилинган ёхуд ҳақиқий эмас, деб топилганда, давлат ижросини бу ҳақда тегишли маълумот олинган куннинг эртаси кунидан кечиктирмай ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органи хабардор қилиш тартиби жорий этилмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини ўз вақтида таъминланишига хизмат қилади. Бунинг натижасида, шубҳасиз, истеъмол қилинган ёқилғи-энергия ресурслари учун қарздорликни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш тизими такомиллашади.

Шухрат Чўлпиев,
Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ
масалалари ва коррупцияси
қарши курашиш қўшма раиси
ўринбосари

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аниқроғи, у Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ҳам жавобгарликка тортилган эди. Шу боис суд жараёни давом этди. Суд айбланувчига қилмишига яраша иш ҳақининг 10 фоизини ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Шунингдек, Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан 1 йил муддатга давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда моддий жавобгарлик юклатилган ва зифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этди. Бундай қаралса, тайинланган жазо кўпма оғир ва давомли эмас.

Аммо асосиз тайинланган жазонинг энг ками ҳам кўп ва у аксарият ҳолларда шикоятга сабаб бўлади. Маҳкумнинг суд ҳукмига нисбатан эътирози ана шу асосда юзага келди.

Орадан кўп ўтмай ушбу жиноят иши апелляция судида қўриб чиқилди. Маҳкум 3.Озодовнинг бевоқиф иштирокида 2022 йилнинг июнь ойидан 2023 йилнинг февраль ойига қадар содир бўлган воқеа-ҳодисалар мазмун-моҳияти ушбу жараёнда тўлиқ

ойдинлашди. Жиноят ишида қайд этилишича, айбланувчи 3.Озодов “Хоразмэлектрқишлоққурилиш” махсус монтаж ташкилотидан цех устаси вазифасида ишлаган даврда 190,9 миллион сўмлик жуда кўп миқдордаги камомад юзага келган.

Яъни ушбу миқдордаги моддий бойликлар судланувчи 3.Озодов ва унинг жиний шериклари тарафидан ўзлаштириш ҳамда растрата йўли билан талон-торож қилинган. Дастлабки босқич судида тергов органининг ушбу айбловини рад этиш учун етарлича асослар топилмаган. Энг таажжубланарли томони шундаки, биринчи босқич суди ташкилот бош ҳисобчиси Ж.Ортиқовнинг 3.Озодовнинг гарданияга юклатилган камомад аслида анча муқаддам содир бўлган, 133,1 миллион сўмлик бетон симёғоч ва 60 миллион сўмлик бошқа мол-мулклар ўша кездеақ омборга масъул бўлган шахслар тарафидан талон-торож қилинган, бунга айбланувчининг дахли йўқлиги ҳақидаги баёнотини инobatта олган.

Қисқаси, апелляция инстанцияси судида бу ҳолат-



БИРОВГА ТЎҶҚАЛГАН

ларнинг барига тўлиқ аниқлик киритилди. Факт ва далилларнинг мақбуллиги алоҳида ўрганилди. Маълум бўлишича, 3.Озодов цех устаси вазифасида бор-йўғи 8 ой ишлаган. Цехдаги мавжуд буюм, жиҳоз ва ускуналарни хатлов асосида қабул қилиб олаётганда корхона омборига кирим қилинган ва цех масъуллари назоратида сақланиши зарур бўлган 86 та бетон симёғоч ва бошқа бир қанча моддий қимматликлар бўйича камомад мавжудлиги аниқланган. Аммо корхонанинг ўша пайтдаги раҳбари А.Сатторов 3.Озодовнинг эътирозига лоқайдлик билан қараб, “корхона фаолиятини бошласа, бари ўз ўрнига тушади, ҳаммасини тўғрилаб қўямиз, ишни қабул қилиб олавер”, деган.

Орадан кўп ўтмай 3.Озодов зиммасига қўшимча омбор мудирилиги вазифаси ҳам

юклатилган. Аммо бу ҳақда тегишли тартибда буйруқ қабул қилинмаган. Албатта, 3.Озодов раҳбарнинг сўзини рад этолмаган. Лекин омбор фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни имзоламаган, мулкка доир ҳисоботларни ўз қўли билан расмийлаштирмаган. Буларнинг бари ўша пайтдаги корхона раҳбари А.Сатторов томонидан амалга оширилган.

Омборнинг собиқ мудири С.Нурманов эса, амалдаги талаб бўйича ўзининг жавобгарлигидаги мулкни хатлов асосида топшириш борасидаги мажбуриятини бажармаган ҳолда ишдан бўшаб кетган. Натижада омборга янги мудири тайинлаш масаласи ора йўлда қолган. Бунга идора масъулларининг лоқайдлиги ҳам сабаб бўлган. Судланувчи 3.Озодовнинг кўрсатмасига қараганда, бир гал омбор қўлфи аллақимлар томонидан бузилган.

Албатта, корхона масъулларининг бундай лоқайдлиги исзис кетмаган. Аниқроғи, 190 миллион сўмлик камомад ана шу қилмиш оқибатида содир бўлган. Аммо юқорида қайд этилганидек, бошқа шахслар томонидан содир этилган камомад цех устаси вазифасини бажаришга эндигина киришган 3.Озодовнинг қилмиши сафатида талкин этилган. Жиноятга далил сифатида 2022 йилнинг 29 июнида ҳам омбор, ҳам ишлаб чиқариш цехига тегишли мол-мулкларни ишлаб чиқариш майдончасининг аввалги бошлиғи И.Раҳимовнинг зиммасидан соқит қилиш ва унинг 3.Озодовга топшириш юзасидан расмийлаштирилган далолатномани тақдим этишган. Бироқ 3.Озодовнинг таъкидлашича, у бу ҳужжатга моддий жавобгар шахс сифатида имзо чекмаган, омбордаги мулкни қабул қилиб олмаган.

□ Оқлов

Ҳуқуқий маърифат

Алиментни олдиндан тўлаш
ЎКИ ГАРОВ ТАҚДИМ ЭТИШ

хорижга чиқишни вақтинча чеклашни бекор қилиш усуллари

«Бошланиши 1-бетда»

Бугунги кунда айрим фуқароларнинг алиментдан қарздорлиги сабабли хорижга чиқа олмайётганига мисоллар кўп. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунга асосан, хорижга чиқиш учун чеклов қўйиш – суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрси сабабларга кўра ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси ёки ўз ташаббуси бўйича амалга оширилади.

Айни пайтда амалдаги қонунчилигимизда бундай чекловларни ечиш учун етарлича имкониятлар ҳам яратилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги «Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан алиментни олдиндан тўлаш ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлашда гаров шартномасини тузишдир.

Вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментни олдиндан тўлашда қарздор томонидан ундирувчига кўчмас ёки кўчар мулк ёхуд бошқа қимматли ашё тақдим этилиши мумкин. Алимент миқдорини олдиндан тўлаш ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров тақдим этиш қарздорнинг алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд бўлмагандагина амалга оширилади.

Алиментни олдиндан тўлаш ёки

алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномасининг тузилиши давлат ижрочиси ёки суд томонидан қарздор жисмоний шахсининг илгари белгиланган мамлакатимиз ҳудудидан чиқишини вақтинча чеклашни олиб ташлаш учун асос ҳисобланади. Алиментни олдиндан тўлаш бола вояга етгунга қадар ҳар қандай давр учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга амалга оширилади. Бироқ алиментни олдиндан тўлаш вақтида агар болалар вояга етгунга қадар бўлган давр 5 йилдан кам бўлса, тўлов қолган давр учун амалга оширилади. Алиментни тўлаш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича алиментни муайян давр учун олдиндан тўлаш йўли билан ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришни хоҳлаган қарздор ижро ҳужжатини берган судга ариза билан мурожаат қилади. Аризада қарздор алимент мажбуриятларини умумий тартибда бажариш учун тўққизлик қилувчи объектларнинг кўрсатилади. (Масалан, бошқа мамлакатга бориш тўғрисида таклифнома, бошқа давлатда ишга тайинланган тўғрисидаги буйруқ ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар). Шу билан бирга аризага Мажбурий ижро бюроси томонидан тақдим қилинган алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома ва давлат ижрочисининг олдиндан тўлаш белгиланган алимент суммасини ҳисоблаш тўғрисидаги қарори, шунингдек, баҳолаш ташкилотининг ундирувчига ўтказиб берилиши лозим бўлган мол-мулкни баҳолаш ҳулосаси, қарздорнинг ушбу мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат нусхалари илова қилинади. Суд ариза якуни бўйича ажрим қабул қилади. Агар ариза ажрим билан қаноатлантирилган тақдирда ажрим ижро қилиш учун тегишли ҳудуддаги Мажбурий ижро бюросига юборилади. Ўз навбатида, давлат ижрочиси алиментни муайян давр учун олдиндан

тўлаш йўли билан ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисида ажрим қабул қилади. Ушбу ажримда кўрсатилган алимент суммаси тўлиқ тўлангандан сўнг қарздор ва унинг мол-мулкига белгиланган барча чекловлар, шу жумладан, мамлакатимиз ҳудудидан чиқишини вақтинча чеклашни бекор қилади.

Алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш мақсадида гаров шартномасини тузишда ҳам қарздор тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда

Вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментни олдиндан тўлашда қарздор томонидан ундирувчига кўчмас ёки кўчар мулк ёхуд бошқа қимматли ашё тақдим этилиши мумкин. Алимент миқдорини олдиндан тўлаш ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров тақдим этиш қарздорнинг алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд бўлмагандагина амалга оширилади.

ижро ҳужжатини берган судга ариза билан мурожаат этади. Бу ҳолатда ҳам тузилган гаров шартномаси, шунингдек, Мажбурий ижро бюроси томонидан алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома илова қилиниши шарт. Гаров шартномаси қарздор ва ундирувчи ўртасида алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш ва алимент мажбуриятлари икки ойдан ортиқ муддат давомида бажарилмаган тақдирда ундирувчига ундирувни гаров предметида қаратиш ҳуқуқини бериш учун тузилади.

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулк ҳуқуқлар (талаблар) гаров предмети бўлиши мумкин (муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан, ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш, алимент ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно). Алимент тўлаш мажбуриятини гаров

билан таъминлаш тўғрисидаги шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши ва тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Гаров қиймати қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз эллик бараваридан кам бўлмашлиги лозим. Тарафлар келишувига асосан гаров предмети қийматини баҳолаш тегишли баҳолаш ташкилоти томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Агар ариза суднинг ажрими билан қаноатлантирилса, тегишли ҳудуддаги Мажбурий ижро бюросига юборилади. Давлат ижрочиси ажримни олгач, қарздорга нисбатан қўлланилган барча чекловлар, шу жумладан, қарздорнинг мамлакатимиз ҳудудидан чиқишини вақтинча чеклашни бекор қилади. Қарздор томонидан кетма-кет икки ой давомида алимент тўловлари тўланмаган тақдирда давлат ижрочиси ундирувни гаров предметида қаратиш чораларини кўради. Га-

ров предмети сотилганда унинг пули Мажбурий ижро бюросининг тегишли туман (шаҳар) бўлими депозит ҳисоб рақамига ўтказилади. Сўнгра мазкур маблағ ҳисобидан ойма-ой алимент тўловлари амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликда алимент бўйича қарздорнинг хорижга чиқишига нисбатан таъқиқ қўйилиши суд ҳужжатларини ўз вақтида тўлиқ ижро этиш ҳамда вояга етмаган болаларнинг моддий таъминоти учун тўланаётган алиментларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида жорий этилган. Шу билан бирга қарздор шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний мафлавларини ҳимоя қилиш мақсадида чекловларни қонуний бартараф этиш бўйича имконият яратилгани инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг амалдаги ифодасидир.

Элёржон ИСМОИЛОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Ўзбекистон туманлараро
суди раиси

етди. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди унинг даъво аризасини кўриб чиқиб, қаноатлантирди. Суд қарорига асосан Назоқат Акмалова бир нафар вояга етмаган фарзанди билан ҳовлидаги барча иморатлар ва коммунал хизмат объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи билан ўз уйига киритиб қўйилди. Шу тариқа аёлнинг ҳуқуқлари тикланди.

Конституциямиз ва миллий қонунчилигимизда ҳар бир инсоннинг яшаш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган. Уларга дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, мамлакатимизда инсон қадрини ҳуқуқлари ҳамма нарсадан устундир.


Майрамхон СИДИҚОВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Наманган туманлараро
суди судьяси

июнда расмийлаштирилган ва пировардида 3.Озодовни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди бўйича айблов учун асосий далилга айланган далолатнома ва ундаги имзо юзасидан хатшунослик экспертизасини тайинлади. Экспертиза ҳулосасига кўра, далолатномадаги имзо сохта деб топилди.

Қисқаси, апелляция инстанцияси суди ушбу жиноят ишини батафсил кўриб чиқди. Шу тариқа адолат ва ҳақиқат қарор топди. 2022-2023 йиллар ораллигида «Хоразмэлектротехника» махсус монтаж ташкилида рўй берган жиноий қирқдорларда 3.Озодовнинг айби йўқ экани тўлиқ ўз исботини топди.

Суд шу муносабат билан 3.Озодовни бошқа шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, ўзига ишониб топширилган ва иштиёрида бўлган жамоа мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жиноятини содир этганликда айбдор деб топиш учун асослар етарли эмаслигини қайд қилди. Шу юзадан чиқарилган ажримга мувофиқ биринчи босқич суднинг 3.Озодова нисбатан чиқарган ҳукми

Ойбек МАҲМУДОВ,
Хоразм вилояти
суди судьяси



«Бошланиши 1-бетда»

Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 12-бандида транспорт воситасини спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кучли таъсир қилувчи моддалар таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш тақиқланган. Қолаверса, ушбу турдаги ҳуқуқбузарлик учун қонунчилигимизда тегишли жавобгарлик белгиланган.

Шунга қарамадан транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар сони ортиб бораётгани афсусланарлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликка қарши янада кескинроқ курашни тақозо этади.

Айтиш керакки, йўлларда хавфсизлигини таъминлаш ва фожиали ҳолатларнинг олдини олиш ўта долзарб вазифа эканидан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси 1-қисми жазо санкциясини такомиллаштириш зарурияти бор. Чунки ушбу оғир ҳуқуқбузарлик учун тайинланаётган жазо

турлари унинг салбий оқибатларига нисбатан мувофиқ эмас. Буни жарима миқдори ва жазо муддатининг камлиги мисолида кўриш мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда жарима суммасини базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари ва транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш тақиқланган. Қолаверса, ушбу турдаги ҳуқуқбузарлик учун қонунчилигимизда тегишли жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари жазонинг муқаррарлиги принципидан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 343-моддасидаги жазонинг ярми ўтгач, жазо муддатини қисқартириш мумкинлиги ҳақидаги қоида ўзгартирилиб, маст ҳолатда транспорт воситасини бошқарганлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар суд томонидан белгиланган жазонинг учдан икки қисмини ўтагандан сўнг қисқартирилиши мумкинлиги ҳақидаги янги талабни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Таклиф этилаётган ушбу ўзгартиришлар транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш ҳолатларини камайтариб, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлашга ҳисса қўиши шубҳасиз. Зеро, йўл қоидаси — умр фойдаси демакдир.

Шаҳзод БАХТИЁРОВ,
Қашқадарё вилояти суди
судьяси

Жиноят ва жазо



Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳар ким тадбиркорлик фаолиятининг ўзи истаган тури билан эмин-эркин шуғулланиши мумкин. Аммо пойтахтимизнинг Чилонзор туманида яшовчи А. Митковский (исм-шарифлар ўзгартирилган) гўёки тадбиркорлик фаолияти билан машғулдек бўлиб, аслида ҳамтовоклар Р. Аҳметдинов, О. Бердиев ва У. Эгамбердиев билан «ҳамкорлик»да бир қатор хавфли жиноий қилмишларни содир этишди.

Қисқаси, улар ўтган йил пойтахтимиздаги Олмазор тумани давлат хизматлари маркази орқали В.Фоминанинг таъсисчилигида «Star New Pro» масъулияти чекланган жамиятини давлат рўйхатидан ўтказишди.

Сўнгра тузилган жиноий режани никоблаш, ундан бошқа шахслар хабар топмаслигини таъминлаш мақсадида 3.Озодовнинг юзи ёруғ бўлди. Айни кунларда у Хоразм автономилсозлик заводида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Қонун унга эркин ҳаёт ва фидокорона меҳнат қилиш имконини берди. Бундай ҳаётнинг қадр-қимматини англамоқ ва қадрламоққа не етсин!

(Давоми 4-бетда) ►

Мингбулоқ туманида яшовчи Назоқат Акмалова (исм-шарифлар ўзгартирилган) 1996 йилда Анвар Акмалов билан турмуш қуриб, уч нафар фарзандли бўлди. Бироқ асосиз шубҳа-гумонларга берилган эри уни 2021 йилда кенжа фарзанди билан уйдан чиқариб юборди.

«Уят ўлимдан қаттиқ», деганларидек, Н.Акмалова маҳалла-қўй, кўни-қўшнарлар олдида мулзам бўлишни истамай дастлаб ота ҳовлида, кейинчалик ижара уйда яшаб юрди. Ўтган йилнинг охирида у оиласини сақлаб қолиш ва фарзандлари тақдирини ўйлаб, умид билан уйи ашигини таққиллатди. Турмуш ўртоғидан



оилани тиклаш ва бирга яшашга изн сўради. Бироқ онаизорнинг ўтинчи, ялиниб-ёлворилари тошбағир эркакнинг кўнглини юмшата олмади. Устига-устак, А.Акмалов ҳали қонуний никоҳини бекор қилмай туриб,



ҚАМОМАН
судда фуқаронинг айбсизлиги
ўз исботини топди

Далолатномада унинг имзоси эмас, фақат исм-шарифи қайд этилган, холос. Ҳужжатга ҳатто ишлаб чиқариш майдончасига тааллуқли мулкларни топширувчи шахс – цех бошлиғи лавозимидан озод этилаётган И.Раҳимовнинг ўзи ҳам имзо чекмаган.

3.Озодов суд ва тергов жараёнида ушбу шубҳали ҳолатга аниқлик киритиш ва 2022 йил 29 июнда расмийлаштирилган далолатнома юзасидан хатшунослик экспертизасини тайинлашни сўраган. Афсуски, унинг бу талаби қаноатлантирилмаган. Дастлабки суд жараёнида қорхонанинг бошқаруви билан боғлиқ бўлган 3.Озодовнинг бош ҳисобчиси Ж.Ортиқов ҳам кўрсатма берган. Гувоҳ оморборнинг бошқаруви билан боғлиқ бўлган 847 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар хат-

лов асосида топширилгани, у ишдан бўшагач, оморборга оғзаки буйруқ асосида 3.Озодов масъул қилиб тайинланганини баён этди.

Унинг гувоҳлик беришича, 3.Озодов оморбордаги мол-мулкларнинг биронтасини ҳам хатлов асосида қабул қилиб олмаган. Қорхона оморборидаги жиддий камомад 3.Озодов ишга келишига қадар ўтказилган хатлов жараёнида маълум бўлган.

Қорхона бош ҳисобчисининг кўрсатмасини ҳисобчи вазифасида ишлайдиган Г.Ниёзматова ҳам тасдиқлади. У 3.Озодовни омор мудири қилиб тайинлаш тўғрисида буйруқ мавжуд бўлмагани сабаб унга ушбу лавозим бўйича маош тўланмаганини баён этди, ҳисоботлар бошқа шахслар

томонидан тайёрлангани, айбланувчи бу ҳужжатларга имзо қўймаганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, айбланувчи 3.Озодов ва қорхона раҳбари А.Сатторов ўртасидаги аудиоёзув ҳам эътиборга молик. Апелляция судида ушбу аудиоёзув муҳим далил сифатида эътироф этилди. Қорхона раҳбарининг оморбордаги мол-мулклар судланувчининг иштиёрига топширилмасдан қолиб кетгани ҳақидаги иқроори ва жамоа мулкига етказилган зарарни ўз ҳисобидан қоплашга қаратилган баёноти 3.Озодовнинг айбдорлигига оид шубҳа-гумонларни бартараф этиб, унинг айбсиз эканини тасдиқлади.

Суд муқаддам эътибордан четда қолган 2022 йил 29

Суд амалиёти

Битимнинг ҳуқуқий оқибатлари


БУРЧ ВА МАЅУЛИЯТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

(Бошланиши 1-бетда)
Маълумки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 101-моддасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бургларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари битим ҳисобланиши қайд этилган.

билан муурожаат қилиб, жавобгарлар И.Холматов, Г.Эргашев, Д.Эргашевани ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган Шароф Рашидов тумани, «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини, Зиёкор кўчасида жойлашган уйдан мажбуран чиқаришни сўраган.

Умид Давроновни оила аъзолари билан бирга Дўстлик тумани, «Саноатчилар» маҳалла фуқаролар йиғини, Абдулла Авлоний кўчаси, 5-уй, 9-хондондан мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

олди-сотди қилинган, қарз узтилиши билан у уйни қайтариб беришга ваъда бергани, аммо ҳозирда буни тан олмаётганини маълум қилди.



Суд амалиётида битимни ҳақиқий эмас, деб топиш, битим тузиш асосида мулкка эгалик қилган шахс иккинчи тарафини турар жой ёки бошқа бинодан кўчириш ҳақиқида ишлар ҳам кўп учрайди.

Ушбу турар-жой Кадастрлар палатаси Жиззах вилояти бошқармаси томонидан 2022 йил 16 июнда Ж.Холматовнинг номига давлат рўйхатидан ўтказилган. Аммо уйнинг собиқ эгаси уни қонунчиликда белги-ланган вақтда бўшатиб бермаган.

Суд мажлисида жавобгар тараф аслида хонадонни сотмагани, пулга муҳтож бўлгани сабабли М.Фармоновдан қарз олгани, унинг талаби билан гаров сифатида уй-жой

да қандай муносабатга киришса, битимни шунга мос равишда тузиш лозим. Акс ҳолда у ортиқча ташвиш ва муаммоларни юзага келтиради.

Жиноят ва жазо

(Бошланиши 3-бетда)
Солиқ кодексининг 376, 377-моддаларига асосан улар бу қилмишлари билан 894 миллион 82 минг сўм миқдоридagi даромад



МИСИ ЧИҚҚАН «ТАДБИРКОРЛИК»

солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлаган. Қолаверса, сохта тadbirkорлар 2023 йилнинг 8 ойи мобайнида «High Oil Corp» корхонаси омборларига кириш қилинган 6 миллиард 631 миллион 221 минг сўмлик маҳсулотларни терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга нақд пулга сотиб юбориб, тушган маблағ банкка кириш қилинган оқибатида 795 миллион 746 минг сўмлик қўшилган қиймат солиғи тўланмай қолади.

оширилади ва оқибатида 337 миллион сўмлик фойда солиғи тўланмай қолади.

Бундан ташқари ҳамтовлоқлар «High Oil Corp» корхонасига кириш қилинган 11 миллиард 828 миллион 755 минг сўмлик маҳсулотлар олди-сотдисини сохта электрон ҳисоб-фактуралар асосида амалга ошириб, солиқ идорасига ҳисобот тақдим этмайди. Оқибатида 1 миллиард 774 миллион сўм миқдоридagi фойда солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлаш жинояти юз беради.

Халқимиз «кўза кунда эмас, кунда синади» деб бежизга айтмаган. Охир-оқибат жиноий гуруҳнинг кирдиқорлари ҳам фош этилди ва уларга нисбатан жиноят иши кўзгатиildi.

Буни қаранги, А.Митковский ва Р.Ахметдинов томонидан дастлаб ташкил этилган сохта тadbirkорлик субъекти «Star New Pro» корхонасига кириш қилинган 2 миллиард 248 миллион сўмлик маҳсулот олди-сотдисини ҳам қалбақлаштирилган электрон ҳисоб-фактуралар асосида амалга

ашулар билан бир қаторда 801 миллион 216 минг сўмлик зарарни ундириш ҳам белгиланди.

Юртимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналиши этиб белги-ланган.

МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ



Аслини олганда, ўзи, оиласи ва фарзандлари тинчлини ўйлаган, эртанги ҳаёти ошуда кечишини истаган одам ҳеч қачон жиноий қилмишларга қўл урмайди, ҳалолликни фаолиятининг асосий мезони деб билади.

қадар 9 ҳолатда 23 миллион 733 минг 600 сўм маблағни «UzAsbo» электрон дастурига ёлғон маълумотларни киритиш орқали ортиқча ҳисоблаган.

Зарар қолгангони ҳамда жиноят ишининг Ж.Искандаровга тегишли қисми тергов чоғида тугатилгани инобатга олиниб, унга нисбатан икки йил муддатга давлат органларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисоби-га ушлаб қолиш шarti билан уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Инсоният тарихи тамаддун ва тарақиёт силсиласидан иборат. Чунки ўтмишдан то бугунги кунгача бўлган жараёнга назар ташланса, жамият, илм-фан, техника ва технологиялар оддийликдан мураккабликка томон ривожланиб келаётганини кўриш мумкин.

КЇХНА тамаддунлар жумбоғи

Масалан, бир пайтлар олов, гилдирак ёхуд қоғознинг ихтиро қилингани инсоният тарихида буюк ҳодиса сифатида қаралган.

иншоотни барпо этиш учун тўрт минг нафар одам олти йил мобайнида меҳнат қилиши, икки миллиард доллар сифатида қаралган.

Ушбу тараққиётнинг охири борми? Бошланиши қерда? Чиндан ҳам, инсон тафаккури, унинг имкони-ятлари шу қадар чексизми?

«МАНГУЛИК ТИМСОЛИ» НИМАНИ АНГЛАТАДИ?
Айрим мутахассисларнинг фикрича, бир пайтлар «Ўзга сайёраликлар» она заминимизга қадим ранжида қилиб, бугунги ерликлар учун етарлича «кўпланма»лар қолдириб кетган.

Важт эҳромлардан қўрқадимиз

«Бундай сайёраликлар инсон кўли билан бунёд этилган муъжизаларнинг энг қадимийси ва энг буюғи бўлиб келаётир. Аммо эҳромларнинг яратилиши билан боғлиқ жумбоқлар кўп асрлардан буюн ўз ечимини толгани йўқ.


ВАҚТ ЭҲРОМЛАРДАН ҚЇРҚАДИ

Энг йирик Хеопс эҳромининг баландлиғи қўрилган пайтда 146 метрга тенг бўлган. Асрлар ўтиши билан эҳромнинг чўқи қисми емирилиб борган.

СИРЛИ ТОПИЛЛАРНИНГ СИРИ НИМАДА?

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Жанубий Африка республикасига қарашли «Уандерстаун» шахтасидан топилган ғаройиб топилмалар — иккита ғалати шар илм-фан оламида энг сўнгги шов-шувли янгиликлардан бири бўлди.

«Куч — адолатда» муҳбири



Интернет материаллари асосида Бобомурод РАИИМОВ тайёрлади.